

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИНИ КАДАСТРЛИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабажанов А.Р. и.ф.н., доцент, ТИҚХММИ МТУ
Абдираманов Р.Д. катта ўқитувчи, ТИҚХММИ МТУ

Аннотация. Мақолада аналитик таҳлил, монографик тадқиқот ва гуруҳлаш усулларида фойдаланган ҳолда бугунги кунда амалиётда мавжуд бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини кадастрли баҳолаш услубиятлари, хусусан суғориладиган ерлар сифатини қиёсий баҳолашга мўлжалланган тупроқлар бонитировкасини ўтказиш бўйича мавжуд услубиятлар ўрганилган, таҳлил қилинган, уларни бугунги кундаги такомиллашган услубиятга айланишига имкон берган жараёнлар келтирилган; ушбу услубиятни бугунги чекланган сув тақсимоти шароитига мослаштириш асосида янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар берилган; тупроқ бонитировкаси маълумотларидан фойдаланган тарзда республикада ҳар йили амалга ошириладиган ерларни норматив қийматини аниқлаш услубиятини соддалаштириш ва ихчамлаштириш бўйича ҳам аниқ таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда ҳар томонлама асосланган.

Annotation. The article examines and analyses the existing methods of cadastral assessment of irrigated agricultural lands, especially the existing methods for comparative assessment of the quality of irrigated lands, specific proposals and recommendations for further improvement of this methodology on the basis of adaptation to today's limited water distribution conditions; specific proposals and recommendations for further improvement of this methodology on the basis of adaptation to today's limited water distribution conditions; specific proposals for the simplification and simplification of the methodology for determining the normative value of land, which is carried out annually in the country, using the data of soil assessment, have been developed and are comprehensively substantiated.

Таянч иборалар. Тупроқ бонитировкаси, суғориладиган ерлар, қишлоқ хўжалиги, норматив қиймат, табиий унумдорлик, кадастрли баҳолаш, суғориш, чекланган сув тақсимоти

Keywords. irrigated lands, agriculture, normative value, natural fertility, cadastral assessment, irrigation, limited water distribution

Кириш. Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан унумли ва самарали фойдаланиш, биринчи галда, унинг асосий ҳамда энг муҳим хусусиятларини яхши билиш ва уларни ўз жойида қўллашга кўп жихатдан боғлиқдир. Бу қоида, энг аввало, ҳар қандай тармоқни ишлаб чиқариш воситаси, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларига тааллуқли бўлиб, мамлакат худудида жойлашган, турли табиий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик шарт шароитларга эга бўлган қишлоқ хўжалиги ерларидан, айниқса, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан бугунги бозор муносабатлари тўла қарор топаётган муҳитда мумкин қадар яхшироқ фойдаланиш билан узвий боғлиқдир. Бу муаммо эса ўз навбатида, шундай ер майдонларини кадастрли баҳолаш масалаларини илмий асосланган тарзда ҳал қилишни талаб қилади. Тўғри, бугунги кунга қадар суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини кадастрли баҳолашнинг қатор услубиятлари[4,14,20] яратилган, улардан фойдаланилган ҳолда суғориладиган тупроқлар бонитировкаси ўтказилади [5], бонитировка маълумотлари қўллаган ҳолда экин ерларининг норматив қиймати ҳисобланади. Бу маълумотлар, яъни тупроқлар бонитировкаси ва ерларни норматив қиймати маълумотларидан фойдаланган ҳолда ерлардан фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ қатор амалий масалалар ҳал қилинмоқда. Аммо, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларига бериладиган сувни кейинги йиллари кескин чегараланаётганлиги, ер майдонларини бозор айланмасига тортилаётганлиги, баъзи салбий жараёнлар (суғориш тизимларини носозлиги оқибатида чекланган, яъни махсус лимит асосида берилаётган сувни далаларга тўла етиб бормаётганлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолатини кескин ёмонлашуви, далаларни бегона ўтлар босиб кетиши ва ҳақ.) натижасида катта ер майдонлари қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетмоқда. Айнан ушбу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун, энг аввало, ерларни кадастрли баҳолаш услубиятларини бугунги кунга мос такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотилар олиб бориш зарур. Демак, тадқиқот учун кўтарилган муаммони ҳал қилишга танланган мавзу долзарбдир.

Илмий тадқиқот методологияси. Кўп сонли илмий манбаларни [6,10,12,16] ўрганиш, узоқ йиллардан бери ерларни баҳолаш соҳасидаги илмий-услубий тажрибаларга асосланиб қайд қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ерларини кадастрли баҳолаш жараёни иккита босқични ўз ичига олади: ер майдонларида тарқалган тупроқлар сифатини, табиий

унумдорлигини қиёсий баҳолаш, яъни тупроқ бонитировкаси ва ушбу бонитировкалаш маълумотларига асосланган ҳолда ўтказиладиган ерларни иқтисодий (норматив) баҳолаш. Шундай экан, ҳар бир босқичда махсус услубиятлар мавжудки, тадқиқотлар натижасида ҳар иккала услубиятни ҳам маълум даражада, бугунги мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан тарзда такомиллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқилади. Бунда айниқса, суғориладиган экин ерларини суғориш суви билан таъминланиш даражаси асосий кўрсаткичлардан бири сифатида алоҳида ҳисобга олинади. Бундан ташқари, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлашнинг бугунги кундаги мавжуд услубиятини мумкин қадар соддалаштириш ва барчага тушунарли ҳолатга келтириш ҳам кўзда тутилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотда аналитик таҳлил, ҳисоб китоб, гуруҳлаш ва монографик тадқиқот усулларини кенг қўллаш кўзда тутилади..

Тадқиқот натижалари ва илмий мунозара. Юқорида қайд қилинганидек, қишлоқ хўжалиги ерларини кадастрли баҳолаш иккита босқични, яъни тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолашни ўз ичига олади. Тупроқ бонитировкаси асосан маълум худудда тарқалган тупроқлар табиий унумдорлигини сифат жиҳатидан қиёсий баҳолашдан иборатдир [2,7,20]. Тупроқ пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги сабабли алоҳида ер участкаларида турлича тупроқлар шаклланган. Бу тупроқлар ўзларининг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турлича озуқа элементларига эга, турли физик ва агробиологик шароитларни ўзига жамлаган [6,10,12,13]. Демак, ер участкалари турлича табиий унумдорликларга эга бўладилар.

Маълумки, тупроқлар бонитировкасини ўтказишда уларнинг барқарор, қисқа вақт ичида инсон таъсирида ўзгармайдиган табиий хусусиятларини асос қилиб олиш зарурлигини биринчи марта В.В. Докучаев кўрсатиб берган: “Энг биричи галда тупроқни табиий тана сифатида, инсоннинг муносабати ва вақт шароитидан қатъий назар баҳолаш зарур, яъни тупроқ таркибини тадқиқ қилиш, унинг физик хусусиятлари ва тупроқ ости қатламини билиш ва шу асосда, фақатгина битта, шунинг асосида тупроқларнинг қиёсий баҳосини аниқлаш мумкин” [8, 42б.]. Айнан шу қоидага асосланган тарзда “Тупроқшунослик ва агрохимё” илмий тадқиқот институти ва “Ўздаверлойиха” илмий лойиҳалаш институтининг биргаликдаги тадқиқотлари натижасида 1966 йили Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқларини бонитировкалаш

услугияти яратилди [13]. Бу услубият асосида Б.В.Горбунов, Н.В.Кимберг [6], Г.М.Конобеева [9], В.Н.Ли [12], М.И.Кочубей [10] ва С.П. Сучков [16] лар томонидан ишлаб чиқилган суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш тамойиллари ётади. Янги ер майдонларини ўзлаштирилиши ва суғорилиши, бу майдонларда тарқалган тупроқлар таркибида қисман гипс қатламларини мавжудлиги ва бу ҳолатни ҳисобга олиш зарурлиги нуқтаи назардан, шунингдек суғориладиган минтақаларда тарқалган тупроқларда турли эрозия жараёнларини кейинги йилларда бирмунча кучайганлигини тупроқлар сифатига кўрсатадиган салбий таъсирини ҳисобга олиш зарурияти сабабли суғориладиган тупроқлар бонитировкасини аниқлаш услубияти бугунги кунга қадар бир неча марта (1989 ва 2000 йй.) такомиллаштирилган.

Барчага маълумки, суғориладиган тупроқлар бонитировкаси уларда экиладиган асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Ўзбекистоннинг суғориладиган деҳқончилик шароити учун пахта асосий экин ҳисобланганлиги сабабли, айнан ушбу экиннинг талаблари асосида тупроқларнинг генетик мансублиги, суғорилиш даври ва маданийлашганлик даражаси бўйича 100 баллик бонитировкалаш шкаласи тузилган. Ушбу баҳолаш шкаласидан фойдаланган ҳолда ҳамда ҳар бир алоҳида олинган тупроқларнинг тарқалган минтақаси, жойлашган ўрнига ва бошқа табиий хусусиятлари (механик таркиби, шўрланиш даражаси, тупроқ ости қатламининг ҳолати, гипс қатламининг чуқурлиги ва ҳақ.) га қараб махсус ишлаб чиқилган тузатма коэффициентларини қўллаш орқали алоҳида тупроқларнинг бонитет баллари аниқланади, яъни:

$$B_i = B_{ac} * K_1 * K_2 * K_3 * K_4 * K_5 * K_6 , \quad (1)$$

бу ерда: B_i – аниқ бир тупроқнинг ҳисобланган бонитет балли,

B_{ac} – асосий шкаладан олинган бонитетнинг юқори балли,

K_1 -тупроқ жойлашган ҳудудни термик ресурслари билан таъминланганлигини ҳисобга олиш коэффициенти;

K_2 – тупроқларни механик таркибини ҳисобга олиш коэффициенти;

K_3 – тупроқларни шўрланиш даражасини ва мелиоратив ҳолатини ҳисобга олиш коэффициенти;

K_4 – тупроқ ости қатламини дренажланганлигини ҳисобга олиш коэффициенти;

K_5 – тупроқларни эрозияга мойиллигини ҳисобга олиш коэффициентини;

K_6 – тупроқлар таркибидаги гипсининг миқдори ва қатлам чуқурлигини ҳисобга олиш коэффициентини.

Айнан мана шу услубият асосида бугунги кунга қадар республиканинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида тарқалган тупроқлар бонитировкаси ишлари бажариб келинмоқда, унинг натижаларидан турли хўжалик масалаларини ҳал қилишда фойдаланилмоқда.

Шуни қайд қилиш зарурки, суғориладиган деҳқончилик шароитида тупроқларнинг сифатини доимий ўзгариши кузатилади. Инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ерларнинг тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшиланиши ҳисобига уларнинг унумдорлик даражасини ошириши кузатилади. Бунда суғориш суви билан далаларни меъёрида таъминланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Иккинчи томондан, далаларга экилган қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш сувига бўлган талаби ҳам ҳисобга олиниши зарур. Масалан, ғўза экинни ўзининг вегетация даврида жойдаги тупроқларнинг табиий хусусиятларига ва экин навига қараб, гектарига 4000- 6000 м³, маккажўхори -3000-4000 м³, сабзавот экинлари - 5000-8000 м³ сув талаб қилади. Экинларнинг сув сарфи меъёрлари ҳам ушбу ҳудудда тарқалган тупроқлар унумдорлиги билан узвий боғлиқдир [4, 12, 15]. Демак, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган экинларни ўз меъёрлари даражасида суғориш суви билан таъминлаш юқори ҳосил етиштириш гаровидир. Бу қоида қатор тупроқшунос олимлар ва амалиётчилар томонидан тасдиқланган [7,10,11,12,13]. Суғориш сувининг таъсирида тупроқларнинг агрономик хусусиятлари, сув- ҳаво, иссиқлик ва озукаланиш режимлари, микробиологик фаоллиги кўп жиҳатдан ўзгаради, суғориладиган ҳудуднинг микроиқлим шароитида катта ижобий ўзгаришлар юз беради. Бу ҳолат ҳам қатор тадқиқотлар[10,11,19,16,15] натижасида ўз исботини топган.

Юқоридагилар билан бир қаторда, суғориш суви билан тупроққа лойқа заррачалар келади, уларни йиғилиши ва маълум жойларда тўпланиши натижасида унумдор қатлам вужудга келади. Бу ҳолат ҳам амалиётда кўп марта исботланган. Сув жуда яхши эрувчан суюқликдир, бу ҳолат тупроққа солинган минерал ва органик ўғитлардаги озук элементларини ўсимликлар томонидан тўла ўзлаштирилишига имкон беради ва ўсимликларнинг озукаланиш режимини яхшилайдиган[6,7,4].

Суғориш йўли билан тупроқда мақбул сув –ҳаво режимини ушлаб туриш натижасида микробиологик жараёнлар, аммонийфикацияланиш ва нитрофикацияланиш жараёнлари, эркин ҳаёт кечирувчи азотланган бактерияларнинг ривожланиш жараёни кечади, натижада ўсимликларни азот билан озикланиши анчагина яхшиланади [11,19,8]. Суғориш натижасида ўсимликларни ўсиш жараёни анчагина кучаяди, уларда кучли илдиз тизими вужудга келади, бу ҳолат тупроқни ўсимликлар қолдиқлари билан, органик моддалар билан бойишига имкон беради [6,11,19].

Юқоридаги тадқиқотлардан кўриш мумкинки, суғориш сувидан меъёр даражасида фойдаланиш тупроқларнинг унумдорлигини яхшилайти, сифат хусусиятларини ижобийлаштиради. Бу эса, ўз навбатида,суғориладиган ер майдонларининг ишлаб чиқариш имкониятларини оширади. Аммо бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида суғориладиган барча экин майдонларида бунга эришиш жуда мушкул, буни фақат магистрал ва маҳаллий суғориш тармоқлари замонавий типда қурилган, фойдалиш иш коэффиценти юқори бўлган, яъни маълум лимит асосида юборилган суғориш сувининг асосий қисми айнан экин далаларига етиб борадиган ҳудудлардагина кузатиш мумкин. Лекин бугунги кунда республиканинг суғориладиган минтақаларидаги барча суғориш тизимлари бундай шароитга эга эмас. Хусусан, “Сувлойиҳа” институтининг берган маълумотларига қараганда, бугунги кунда жами магистрал ва хўжаликлараро суғориш каналларининг 72,0%, ички суғориш тармоқларининг 64,0% гина бетонлаштирилган ёки лоток тизимига эга [21]. Демак, экин далаларининг маълум қисмларига белгиланган меъёрлардаги суғориш суви етиб бормайди. Бу ҳолат, сўзсиз, суғориладиган тупроқларнинг сифат хусусиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам охириги 14-15 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича катта маблағлар эвазига махсус давлат дастурларини амалга оширилишига қарамасдан тупроқларнинг сифат кўрсаткичи республика бўйича 54- 55 балл атрофида қолмоқда. Шундай экан, юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида суғориладиган тупроқлар бонитировкасини ўтказишда тупроқларни суғориш суви билан таъминланиши бўйича ҳам махсус тузатма коэффицентларини киритишни таклиф этамиз. Айнан шундай тузатма коэффицентини баҳолаш тизимига киритиш чекланган сув тақсимоти шароитида тупроқлар табиий унумдорлигини қиёсий жиҳатдан объектив қийматини (балл бирлигида) аниқлашга имкон беради.

Олиб борилган дала кузатувлари, жойлардаги фермер хўжаликлари бошлиқлари билан мулоқотлар, суғориш суви билан далаларни амалий жиҳатдан таъминланиши асосида куйидаги тузатма коэффициентлари ишлаб чиқилди ва баҳолаш тизимига тавсия қилинди (1-жадвал)

Аммо биз таклиф этаётган кўшимча тузатма коэффициентини мавжуд услубиятда қобул қилинган тузатма коэффициентлар қаторига қўйиш муаммони ижобий ҳал қилишга имкон бермайди. Гап шундаки, тупроқлар чегаралари фермер хўжаликлари ер участкаларининг ёки далаларининг чегараларига мос келмайди, негаки тупроқлар чегаралари ушбу жойда кечадиган табиий жараёнларга боғлиқ ҳолда шаклланган, далаларнинг чегаралари эса сунъий чегаралардир. Одатда фермер хўжаликлари далаларининг чегаралари бўлиб суғориш каналлари, йўл тармоқлари, коллектор-зовурлар хизмат қилади. Шундай экан, ҳар бир далаларни суғориш суви билан таъминланиш даражаси ушбу далага суғориш сувини

1 жадвал

Экин далаларини суғориш суви билан таъминланишига қараб тузатма коэффициентлар

Сув билан таъминланиш даражаси, фоиз	K_c	Сув билан таъминланиш даражаси, фоиз	K_c
100,0	1,00	50,0	0,82
90,0	0,95	40,0	0,80
80,0	0,92	30,0	0,77
70,0	0,90	20,0	0,72
60,0	0,87	10,0	0,70

олиб келишга имкон берувчи суғориш тармоқлари, каналларнинг мавжуд ҳолатига боғлиқдир. Демак, суғориш суви билан таъминланиши бўйича киритилиши кўзда тутиладиган тузатма коэффициентлар фақатгина ҳар бир экин даласи бўйича тупроқларнинг ўртача бонитет кўрсаткичи аниқланганидан кейингина киритилиши мумкин бўлади, яъни, олдинга ҳар бир даланинг ўртача бонитет балли ҳисобланади. Одатда бу куйидаги тенглик билан аниқланади[5]

$$B_{\text{ўрт.д}} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + B_3 P_3 + \dots + B_n P_n}{P_1 + P_2 + P_3 + \dots + P_n}, \quad (2)$$

бу ерда: B_1, B_2, \dots, B_n – далада тарқалган тупроқларнинг бонитет балли,

P_1, P_2, \dots, P_n – тупроқлар эгаллаган майдон, га

Шундан кейингина далаларни суғориш суви билан таъминланиши бўйича қабул қилинган тузатма коэффициентлардан фойдаланган ҳолда далада тарқалган тупроқларнинг ўртача бонитетини ҳисоблаш мумкин, яъни:

$$B_{\text{ўрт.д}} = B_{\text{ўрт.д}} * K_c, \quad (3)$$

бу ерда: K_c – суғориш суви билан далаларни таъминланиш даражасига киритиладиган тузатма

Айнан ушбу тенгликдан фойдаланган ҳар бир дала ёки контур тупроқларининг ўртача бонитет баллини ҳисоблаш тавсия қилинади. Бундай ҳисоб китоблар жойдаги шарт шароитларни, хусусан далаларни суғориш суви билан таъминланиш даражасига қараб тупроқлар сифатини аниқ баҳолашга имкон беради.

Маълумки, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қиймати, биринчи галда, тупроқлар бонитировкаси маълумотларига асосланади. Умуман бугунги кунда мавжуд бўлган, такомиллашган услубият бўйича 1 га майдондаги асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив қиймати қуйидагича аниқланади.

Сифати турлича бўладиган ерлар бўйича 1 га суғориладиган ҳайдалма ердан олинадиган фойдани ҳисобланадиган миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_{\text{пр}} = \frac{\frac{H_{\text{пск}_1} * P_{\text{к}_1}}{100} + \dots + \frac{H_{\text{пск}_n} * P_{\text{к}_n}}{100}}{P_{\text{к}_1} + P_{\text{к}_2} + \dots + P_{\text{к}_n}}, \quad (4)$$

бу ерда: $P_{\text{пр}}$ – 1 га суғориладиган ҳайдалма ердан олинадиган ҳисоблаб чиқилган фойда, минг сўм

$H_{\text{пск}_1}, H_{\text{пск}_n}$ – қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив унумдорлиги, минг сўм/га.

$P_{\text{к}_1}, P_{\text{к}_n}$ – экин майдонлари, га;

P_{n1} , P_{n_n} – тупроқ сифати турлича бўлган ерларда турли хил экинлардан олинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фойдасининг ҳисоблаб чиқилган миқдори, фоизларда.

Юқоридагилар асосида 1 га суғориладиган ҳайдалма ернинг кадастрли қиймати кўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C_n = \frac{P_{пр} * K_1 * K_2 * K_3}{\Pi} * 100, \quad (5)$$

бу ерда: C_n – суғориладиган ҳайдалма ернинг норматив кадастрли қиймати, минг сўм / га.;

$P_{пр}$ – суғориладиган ҳайдалма ердан олинадиган ҳисоблаб чиқилган фойда, минг сўм /га.;

Π – ҳисоблаб чиқилган фойданинг капиталлашув фоизи, одатда 5,0% деб қобул қилинган;

K_1 – хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлик даражасини ҳисобга олиш коэффиценти;

K_2 – суғориш учун сув чиқариш усули ҳисобга олинадиган коэффицент;

K_3 – ҳосилни нобуд бўлиш фоизи ҳисобга олинадиган коэффицент.

Товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳисобидан суғориш учун хўжалик ички суғориш тизимига сув чиқариш усули (оқар сув ёки машина усули) ҳисобга олинган коэффицент республика бўйича ягона ифодада барча суғориш майдонлари бўйича оқар сув билан суғориш улушига боғлиқ тарзда, маълум коэффицентларда қабул қилинган.

Кимёвий моддаларни қўллаш тақиқланган муҳофаза минтақаларида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари жойлаштирилган тақдирда ҳосилни нобуд бўлиши ва тегишли равишда қимматлилигини йўқотилишини ҳисобга оладиган коэффицент ер участкасидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг бонитет балли ва улушига қараб республика бўйича ягона тартибда қабул қилинган [3].

Эътироф этиш зарурки, юқоридаги ҳисоб китоблар асосида бугунги кунга қадар суғориладиган экин майдонларининг норматив қиймати ҳисобланмоқда, натижалари эса амалиётдаги турли масалаларни ҳал қилишда фойдаланилмоқда. Гап шундаки, бундай ҳисоб китоблар анчагина мураккаб бўлиб, аксарият ҳолларда жойлардаги мутахассисларга қийинчилик туғдирмоқда. Шу сабабли уни бирмунча соддалаштириш, бизнингча, фойдадан холи бўлмайди. Шу сабабли бундай ерларни

норматив қийматини аниқлашда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш таклиф этилади:

$$C_H = ББ \times \text{ЎБ} \times МК \times СК \times ХН, \quad (6)$$

бу ерда: C_H – суғориладиган ҳайдов ернинг норматив қиймати, сўм;

ББ – ерларнинг бонитет бали (0-100 гача);

ЎБ – ҳисоб-китобларга асосан 1 балл нархи;

МК – минтақавий коэффициент;

СК – сув билан таъминланганлик коэффициенти.

ХН – ҳосил нобуд бўлишини ҳисобга олиш коэффициенти, агар кимёвий моддаларни қўллаш тақиқланган муҳофаза минтақаларида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари жойлаштирилган бўлса.

Қишлоқ хўжалиги контурлари бўйича базавий норматив қиймат ўлчов бирлиги сўмда ифодаланади. Хўжалик юритиш даражаси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши интенсивлигини ҳисобга олиш республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари ва минтақалар бўйича махсус ишлаб чиқилган минтақавий коэффициентлар орқали амалга оширилади. Умуман, юқорида таклиф этилган услубият қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини ҳисоблашни соддалаштиради.

Хулоса. Умуман юқорида олиб борилган тадқиқотлар асосида қисқача хулоса қилиш мумкинки, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини кадастрли баҳолашнинг мавжуд услубиятларини тавсия қилинган тарзда такомиллаштириш ва ушбу такомиллаштирилган услубиятлар асосида тупроқлар бонитировкаси ишларини ўтказиш ҳамда ушбу бонитировка маълумотлари асосида соддалаштирилган ерларнинг норматив қийматини ҳисоблаш услубиятидан фойдаланиш баҳолаш ишларида бажариладиган ҳисоб китобларни соддалаштиради, натижаларини эса объектив, яъни ҳаққоний бўлишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Тошкент, Адолат, 2014
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Давлат ер кадастри тўғрисида”. Тошкент, 2021, Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235 сонли Қарори “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг

норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”. Тошкент, 2014, Lex.uz.

4. Аvezбаев С. Рациональное использование земель в низовьях Амударьи. Ташкент, Мехнат, 1990

5. Бабажанов А.Р., Рўзибоев С.Б., Камолова Д. Ер кадастри (дарслик). Тошкент, ТАҚИ, 2016

6. Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Классификация почв. Почвы Узбекистана. Ташкент, Фан, 1975

7. Гречихин В.Н., Кочубий М.И. Земельный фонд Узбекистана и перспективы его использования. Ташкент, Мехнат, 1988

8. Докучаев В.В. Русский чернозем (отчет Вольному экономическому обществу).СПб., Изд.Русская коллекция, 2008

9. Конобеева Г.Н. Почвы Узбекистана, их районирование и качественная оценка. Ташкент, Мехнат, 1985

10. Кочубей М.И. Почвы Узбекистана и пути повышения их плодородия. Ташкент, Фан, 1985

11. Кузиев Р.К., Сектеменко В.Е. Почвы Узбекистана. Ташкент, ИПА, 2010

12. Ли В.Н. Плодородие орошаемых земель Узбекистана. Ташкент, Фан, 1989

13. Методические указания по проведению бонитировки почв и экономической оценки орошаемых земель в Узбекской ССР. Ташкент, МСХ Уз. ССР, 1969

14. Мухамеджанов М.В. Охраны и рациональное использование природных ресурсов Узбекистана. Ташкент, Фан, 1989

15. Расулов А.М. Повышение плодородия почв хлопковой зоны. М, Колос, 1976.

16. Сучков С.П. Эволюция почвы под влиянием мелиораций. Тр. Почв институту им. Докучаева, 1973, Часть – IV

17. Талипов Г.А. Землю оценивать по плодородию. Сельское хозяйство Узбекистана, 1973, №11

18. Талипов Г.А. Земельные ресурсы Узбекистана и проблемы их рационального использования . Ташкент, Агроинформ, 1992

19. Турсунов Х.Х. Генетик турукшунослик муаммолари. Маърузалар матни, Тошкент, 2000

20. Ўзбекистон Республикасида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини сифатий, иқтисодий ва қиймат жиҳатидан баҳолашнинг муваққат услубияти. Тошкент, Ўздаверлойиха – ҚСХВ, 1998

21. Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ҳолати бўйича Миллий ҳисобот. Тошкент, Давергеодезкадастр, 2020